220296

Илм ўзни билмакдир

# Ма'рифат

MA'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 24 февраль, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | 14 (6711)

*Даъват*

Биз ўз қадриятларимизни жаҳон цивилизациясидан ажратмаймиз, бу — биз келажагимизнинг теран миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамоҳанглигида кўрамиз, деганидир.

Ислом КАРИМОВ

*Ибрат*

ТошДУ Ёшлар иттифоқи талабаларни ўқишдан бўш вақтларида иш билан таъминлаш мақсадида «Оникс» ҳиссадорлик жамияти (эски Миконд заводи), С. Раҳимов туман халқ таълими бўлими ва соғлиқни сақлаш бошқармаси билан шартнома тузди. Шартномага мувофиқ талабалар дарсдан кейин ишчи, ўқитувчи ва ҳамшира сифатида мазкур ташкилотларда хизмат қилишади. Маошлар ойига қилган ишига қараб 500 сўмдан 2500 сўмгача бўлади.

«Оникс» ишчи-талабалар учун махсус хизмат автобуси, С. Раҳимов туман халқ таълими бўлими ва соғлиқни сақлаш бошқармаси эса текин йўл чипталари ажратади.

## ЎЗБЕКИСТОН — ИСТИҚЛОЛ ЙЎЛИДА СОБИТҚАДАМДИР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг россиялик журналистларнинг саволларига берган жавобларидан

Ўзбекистон Президенти россиялик журналистлар саволларига жавоб қайтаришга киришар экан, мамлакатимиз барча учун очиқлигини, Ўзбекистон иқтисодиётни сиёсатдан устун қўйган ҳолда жаҳондаги барча давлатлар билан тенг ва ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатаётганини таъкидлади.

***

— Кўппартиялилик биз учун ҳам янги ҳодиса, — деди жумладан Президент. — Айни пайтда Ўзбекистонда бир неча партия мавжудлиги ва улар Олий Мажлисда ўз фракцияларига эгалигидан воқифсиз. Бироқ мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ҳали шаклланиш жараёнидадир.

Ўзбекистон раҳбари демократиялаш жараёнининг энг муҳим жиҳати жамиятимизда сайлов йўлининг қарор топгани эканига эътиборни қаратди. Сиёсий партиялар шунчаки тузилмай, жамиятдаги маълум қатламга таяниши, бу қатлам вакиллари фикр-ўйлари, иродаси ифодачиси бўлиши лозим.

***

Президент журналистларга коммунистик ғояларни юртимизга ташиб келтирганлар, Осиё ва Африкадаги айрим мамлакатларга капитализмни четлаб, феодализмдан социализмга сакраб ўтишни Ўрта Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон мисолида намойиш этишга уринганларини, аслида эса бу ерда «казарма социализми» ҳукм сурганини эслатди. Бизнинг ўлкада коммунистик ғоя миллий асосга эга бўлмаган. У большевиклар томонидан Ўзбекистонга экспорт қилинганини Туркистон марказий ижроқўми раҳбарлари орасида маҳаллий кадрлар бўлмаганидан ҳам билиш мумкин. Коммунистлар маҳаллий кадрларга йўл бериш, миллий қадриятларни ривожлантириш у ёқда турсин, уларни очиқчасига йўқ қилиш билан шуғулланган. Хусусан, маҳаллий миллат вакиллари дастлаб босмачи сифатида қирилди. Уттизинчи йиллар охирларида эса миллат манфаатини ўйлайдиган маҳаллий зиёлилар халқ душманлари сифатида шафқатсизларча маҳв этилди. Бу сиёсат Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ҳам давом этди. Унинг «лигачёвча» тадрижи Горбачев замонида «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» ниқоби остида намоён бўлди. Бутун Россияда ҳукумат тепасига келишга интилаётган ва ўзларини «коммунист» деб атаётган гуруҳ аъзолари собиқ СССРни тиклаш ҳақида сўзлар эканлар, бу фожиаларни унутмасликлари керак. Ўзбек халқи энди ҳеч қачон бундай истибдодга йўл қўймайди.

***

Ислом Каримов Ўзбекистон жамиятда мулкдорлар синфининг — қатламининг вужудга келишига катта аҳамият бераётганини таъкидлади. Жамиятда ана шундай қатлам вужудга келиб, муқим мавқени эгаллагандагина мамлакатдаги демократиянинг, жумладан, сиёсий партияларнинг барқарорлиги ҳақида сўз юритиш мумкин.

***

Ислом Каримов хорижлик ишбилармонларни жалб этишда уларнинг мамлакат имкониятларидан воқифлиги муҳим аҳамият касб этишини айтди. Шу боис мен жаҳондаги йирик бизнесменлар, иш одамлари, давлат раҳбарлари йиғиладиган Давос учрашувларида беш йилдан бери мунтазам иштирок этиб келмоқдаман, — деди Президент.

(Давоми 2-бетда).



Яқинда С. Раҳимов туманидаги 309-шарқ тиллари лицейида ўқувчилар билан форс тилида ажойиб кеча ўтказилди. Унда Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Махсен Пакоин ва Ўзбекистон маданияти бўйича дипломант Мехроб Ражаб жаноблари, шунингдек Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг шарқ тиллари бўйича услубчиси Муҳаммад Бухорий ва бошқалар иштирок этишди. Кечани лицейнинг форс тили ўқитувчиси Муҳаммад Ражаб Латипов олиб борди.

Учрашув сўнгида элчи жаноблари лицейга эсдалик совғаларини топширди.

Суратда: учрашувдан лавҳа.

**А. ГУБЕНКО олган сурат.**

## ЖУМЛАДА ЖАҲОН

⊛ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан атоқли давлат ва жамоат арбоби Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллиги шу йил республикамизда кенг нишонланадиган бўлди.

⊛ Республикамизга расмий ташриф билан келган Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаковни Президентимиз Ислом Каримов қабул қилди. Меҳмоннинг Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов билан бўлган учрашувида эса 1996 йилдаги икки томонлама ҳамкорлик дастури имзоланди.

{ Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ахборот марказида республика халқ банки раиси Нуриддин Муҳиддинов ва банкнинг масъул ходимлари журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб беришди. Шунингдек, Н. Муҳиддинов банк тизимига киритилаётган янгиликлар хусусида ҳам маълумот берди.

⊛ Борис Ельцин Россия оммавий ахборот воситалари муҳаррирлари билан бўлган учрашувда давлат бошлиқлари сайлови бошқа пайтга кўчирилиши ҳақидаги миш-мишларни рад этди. У бу борада Конституцияга мувофиқ демократия тамойилларидан оғишмай ҳаракат қилажагини билдирди.

⊛ АҚШ Молия вазирлиги эски долларларни янгисига алмаштириш шарт эмаслигини билдирмоқда. Қалбаки долларларнинг кўпайиб кетганлиги боис алмаштирилиши мўлжалланаётган янги долларларнинг бағридаги ҳимоя иплар ультрабинафша нурларга тутилганда қизғиш тус беради. Бу ипларга долларнинг қиймати ҳам ёзилган.

⊛ Бельгияда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Яқин кунларда у парламентга тақдим этилади. Қабул қилингач (бунга ҳамма тўлиқ ишонишмоқда), Бельгия ҳам бу жазо турининг аллақачон баҳридан ўтган Европа иттифоқидаги мамлакатлар қаторига туради.

⊛ Катар давлатида ҳарбий тўнтаришга бўлган ҳаракат тўхтатилди. 47 нафар ҳарбий хизматчилар ва миршаблар иштирокида барбод этилган бу интилиш бошида «ички кучлар» турганлиги айтилмоқда. 100 киши қамоққа олинган.

## СОҲИБҚИРОН ПАРТАСИ

*1996 йил—Амир Темур йили*

*Сарлавҳага эътибор берган бўлсангиз, унда гап буюк Соҳибқирон ўтирган парта ҳақида эмас, балки унинг номи билан аталган парта ҳақидалигини мушоҳада қилиб англайсиз. Шундай номдаги парталар Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидаги 19-ўрта мактабнинг барча синфларида таъсис этилди. Амир Темур номидаги партада ўтиришга ҳафта давомида аъло баҳоларга ўқиган ва намунали хулқини намоён этган ҳар бир синфнинг икки ўқувчиси мушарраф бўлади.*

*Табиийки, бундай махсус партада ўтиришга мушарраф бўлган ўқувчилар нималар ҳақида ўйлаши, ғурурланиши, билим олишда энг олдинги сафда бўлишга интилиши — буларнинг ҳамма-ҳаммаси катта маънавий ютуқдир. Бироқ бундан бошқа омил ҳам бор: низомга кўра, ўқув йили якунлари бўйича Амир Темур номи билан аталган партада энг кўп вақт ўтиришга эришган ўқувчи мактаб маъмуриятининг фахрий ёрлиғи ҳамда қимматбаҳо совға билан тақдирланади.*

*Қисқа қилиб айтганда, Яккабоғ туманидаги 19-ўрта мактаб ўқувчиларининг ўқишда ва ахлоқда энг намунали бўлиш учун мусобақада буюк Соҳибқирон билан фахрланиш туйғуси уларни руҳлантирмоқда.*

*Соғлом авлод учун*

Таълим-тарбия муассасаларида «Соғлом авлод учун» дастури асосида ниҳоятда кенг ва чўнг қамровли ишлар, эзгу изланишлар олиб борилмоқда. Қарши шаҳридаги «Шўртангаз» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Нодирабегим» номли болалар боғчасида ўтказиладиган Қашқадарё вилоят таълим муассасаларида «Соғлом авлод учун» давлат дастурининг бажарилиши ҳақида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг кўчма ҳайъат мажлиси ҳам ана шу ишларнинг бажарилишига бағишланади. Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мактабгача тарбия бошқармаси бошлиғи Ҳамида Аҳмедова билан суҳбатлашди.

## БОЛА — ҲАЁТ БЕЗАГИ

### 28 февраль — 1 март кунлари Қашқадарёда кўчма ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтади

**— Ҳамида опа, даставвал мана шу ўтказиладиган тадбирнинг моҳияти ҳақида гапириб берсангиз.**

— Ўзингизга маълумки, кейинги йилларда мактабгача тарбия муассасаларини янгилаш борасида чуқур изланишлар кетаётир. Турли йўналишдаги ихтисослаштирилган болалар боғчалари, боғча-мактаб, боғча-гимназия, боғча-лицейлар ташкил этилмоқда ва улар дастлабки ижобий самараларини кўрсатмоқда. Шу билан бир қаторда мактабгача тарбия муассасаларида «Соғлом авлод учун» давлат дастурининг бажарилишига алоҳида аҳамият берилаётир. Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ хўжалиги вазирликлари, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Республика Болалар жамғармаси, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Таълим ва фан, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари марказий қўмиталарининг 1994 йил 21 октябрдаги қўшма ҳайъат қарорига мувофиқ мактабгача тарбия муассасалари ўртасида ўтказилган «Соғлом авлод учун» республика кўрик-танлови якунланди.

Мазкур кўрик-танлов биринчи марта ўтказилаётганига қарамасдан болалар саломатлигини яхшилаш, жисмоний, руҳий ҳолатларини мустаҳкамлаш борасида тарбиячилар, жисмоний тарбия ходимлари, шифокорлар ҳамкорлигининг натижаларини намоён этди.

Кўрик-танловнинг якуний босқичи шуни кўрсатдики, кўпчилик мактабгача тарбия муассасаларида жажжиларни ҳар томонлама тарбиялаш учун таълим-тарбия ишларини ташкил қилишни мукаммаллаштиришга, тарбия жараёнида халқ педагогикасига, ўқув-тарбия ишларининг ноанъанавий усулларига кенг аҳамият берилаётир. Болаларнинг ақлий ва жисмоний томондан такомиллашуви, уларга тиббий хизмат кўрсатишни юқори савияда ташкил этиш, овқатлантириш сифатини яхшилашда ҳам муҳим ўзгаришлар борлиги кишини қувонтиради. Бу ҳолатлар ўша кўрик-танловда ғолиб деб топилган мактабгача тарбия муассасаларининг иш тажрибаларида, машғулот баёнларида янада ёрқинроқ, тўла ва ижодкорона талқин қилинган.

**— «Соғлом авлод учун» давлат дастурининг бажарилиши масаласи кўриладиган навбатдаги Ҳайъат мажлисини ўтказиш учун нега айнан Қарши шаҳридаги «Нодирабегим» болалар боғчаси танланди?**

— «Шўртангаз» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Нодирабегим» болалар боғчаси Республика мактабгача тарбия муассасалариаро кўрик-танловда ғолиб бўлган эди. Ҳақиқатан ҳам бу жаж-

(Давоми 2-бетда).

*Телеграмма*

## УЧИНЧИСИ... ЎРГАНИБ ЧИҚИЛСИН

*Газетамиз саҳифаланаётганда таҳририятимизга бир йўла учта телеграмма келди. Уларнинг иккитаси хушхабар.*

### БИРИНЧИСИ

**«Нурота ҳунар лицейи 20 тонна ўрнига 32 тонна қора металл ва 500 килограмм рангли металл топшириб жорий йилда белгиланган режани 150 фоизга уддалади. Билим юрти раҳбари М. Худойқулова».**

### ИККИНЧИСИ

**«Шеробод ҳунар лицейи 1996 йил учун қора ва рангли металл парчаларини йиғиб топшириш бўйича ўз режасини ошиғи билан бажарди. Лицей директори Т. Раҳмонқулов.»**

Қисқа вақт ичида бундай ютуққа эришган ҳар икки жамоани чин дилдан қутлаймиз!

### УЧИНЧИСИ...

Учинчиси бизни бироз ўйга толдирди. Унда Ғиждувон алоқа тармоғи бошлиғи Омонов: **«1996 йил 14 февраль чоршанба куни чиққан «Маърифат» газетасидан олишимиз керак бўлган 647 нусха ўрнига тахламда 624 дона, яъни 23 нусха кам келди. Бу иккинчи огоҳлантириш телеграммаси. Рўзномалар тўлиқ етказилмаса тегишли ташкилотларга мурожаат қилишга мажбурмиз»**, —дея хабар қилади.

Аввало шуни айтмоқчи эдикки, ғиждувонликларнинг биринчи телеграммаси таҳририятимизга келиб тушгани йўқ. Хабардан маълум бўлишича, илгарилари ҳам газета керагидан кам миқдорда етказилган. Бу ташвишли ҳол, албатта.

Тўғри, газетанинг ўқувчига ўз вақтида етказиб берилишидан биринчи галда таҳририят манфаатдор. Бироқ уни тўлалигича вақтида жойларга етказиб бериш бизнинг зиммамизда эмас. Табиийки, бу ишга Республика Матбуот тарқатиш Маркази ва унинг жойлардаги ташкилотлари масъул.

Хўш, «Маърифат»нинг 14 февраль сони Ғиждувонга нега кам борди? Газетанинг ўша кунги сонида «Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси» эълон қилинган эди. Бу, шубҳасиз, ҳамёнидан харж қилмай газета ўқишга одатланганлар «иштаҳа»сини карнай қилиб юборган. Юмшоқ қилиб айтганда, нафсга эрк бериш одобдан эмас.

Ўйлаймизки, бировлар чўнтагидан майиз ейишга ўрганган «газетхон»лар ва бу ишга бош-қош бўлганларни аниқлаш ва уларни тартибга келтириб қўйишда бизга Республика Матбуот тарқатиш Маркази маъмурияти яқиндан ёрдам кўрсатади.

*Таъкид*

## «ҲАСБИ ҲОЛ»НИНГ ДАРСЛИКДАГИ АҲВОЛИ

Мужрим — Обид XVIII аср охири — XIX аср бошларида Бухорода ижод қилган етук шоир. Бу ижодкорнинг эл орасида обрў топиши, асосан, Амир Шоҳмурод (1785 — 1800), Амир Ҳайдар (1800—1826) ҳукмронлиги даврига тўғри келади (Ўзбек адабиёти тарихи, IV том, Тошкент — 1978, 250-бет).

Мужрим — Обид — зуллисонайн шоир. У туркийда ҳам, форсийда ҳам девон тузган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар хазинасида Мужрим — Обид форсий девонининг 1822-1823 йили китобат қилинган 991 рақамли бир ва туркий девоннинг 1800 йили битилган 1779 рақамли, 1817-18 йили кўчирилган 976 рақамли, 1883-1889 йили китобат қилинган 1397 рақамли уч дастхат нусхаси сақланмоқда.

Шоирнинг «Ҳасби ҳол» маснавийси ўзбекча девоннинг учаласида ҳам мавжуд. Маснавий ҳозир мактабларимизнинг 6-синфлари адабиёт дарсида ўргатилмоқда. Биз ана шу маснавий, аниқроғи, унинг нашрлари, бу борадаги хатолар ҳақида фикр юритишни мақсад қилдик. Бунинг учун дарсликдаги маснавий матнини қўлёзмалар билан чоғиштирдик. Шунда асардаги баъзи байтлар тушиб қолганини, айрим сўзларнинг эса, нима учундир, ўзгартирилганини ҳам кузатдик. Маснавий муаллиф томонидан «Ҳасби ҳол» деб номланган. 6-синф дарслигида эса «Арзи аҳвол...» сарлавҳасида берилади. Бу сарлавҳа асарнинг биринчи мисраси дастлабки сўзларидан олинган. Чунки маснавий: «Арзи аҳволи бу фақиру ҳазин», — деган сатр билан бошланади. Фикримизча, китоб Мужрим — Обид ёзиб қолдирганидек, «Ҳасби ҳол» сарлавҳасида чоп этилиши лозим эди. Агар маснавийга, ҳақиқатан ҳам, муаллифнинг арзи, шикояти — деб қаралса, шоир кимга шикоят қилган? Ўша дамда Бухорони бошқараётган Амир Ҳайдаргами? Хўш, шоҳ Амир Ҳайдарга десак, шоир ўз фарзандлари, хотини ва кишиларнинг бевафолиги ҳақида шоҳга арз қилиши шартми? Албатта, йўқ. Шундан кейин бунинг жавобини шоир қўлёзмаларидаги маснавий байтлари орасидан изладик. Маълум бўлишича, маснавийнинг охирги саккиз байти нашрда тушиб қолган. Бу байтлар муаллифнинг Оллоҳга қилган илтижоси, яъни маснавийнинг «муножот» қисми, деб хулоса чиқаришга тўла ҳуқуқ беради.

(Давоми 3-бетда).

*Олий ўқув юртларида*

## ЕТУК МУТАХАССИС БЎЛИШ ВАТАН ОЛДИДАГИ БУРЧ

Келажаги буюк мустақил Ўзбекистоннинг равнақи бугун аудиторияларда таълим олаётган талабаларнинг билим салоҳияти, ихтисосини пухта ўзлаштириши, ишбилармонлик қобилиятининг шаклланиши, ватанпарварлиги, юксак маънавий ва ахлоқий фазилатлари билан бевосита боғлиқдир. Буни ҳар бир талаба чуқур англаб етиб, етук мутахассис бўлишга янгича қараш билан ўқимоғи, тарбияланмоғи, эртанги кун фаолиятига тайёрланмоғи лозим.

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети талабалар гуруҳлари сардорларининг шу йил 15 февралда бўлиб ўтган йиғилиши ана шу талабларни тенгдошлари олдига қўйди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарқанд вилояти Кенгашидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар асосида талабалар гуруҳларининг фаолиятини кенг муҳокама қилган бу йиғилишда олий ўқув юртида йўл қўйилган бир қатор камчиликларни бартараф этиш, ёшларни чуқур билим олиши учун яратилаётган янги маънавий муҳитни қўллаб-қувватлаш, университет раҳбариятининг талабалар билимини аниқлашнинг умумжаҳон тизимидаги рейтинг ва тест синовларига ўтиш бўйича тадбирларини амалга оширишга кўмаклашиш, талабаларнинг онгли равишда ўз ихтисосини пухта эгаллашига, илмий изланишига шарт-шароитлар яратиш каби масалалар атрофлича муҳокама этилди ҳамда тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилди.

Йиғилиш қатнашчилари барча талабаларга, профессор-ўқитувчиларга қарата жаҳон андозаларига мос етук мутахассислар тайёрлаш юзасидан Мурожаатнома қабул қилдилар.

**Мухбиримиз.**

## МММ ХАБАРЛАРИ

### ҲАВАС КЕЛТИРУВЧИ «НАРСА»ЛАР

*Республикада қизғин давом этаётган «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танлови янги-янги истеъдодларнинг пайдо бўлишида жуда қўл келаяпти. Шаҳрихон шаҳрида ўтказилган танлов ҳам турли ёшдаги санъат ихлосмандларини ўзида жамлади.*

*Мазкур анжуманда Собиржон Худойбердиев бошқараётган шаҳар мусиқа мактаби хор жамоаси ижросидаги «Ўзбекистон гул диёр» (С. Худойбердиев шеъри ва мусиқаси) қўшиғи ҳақиқий маҳорат кашф этган бўлса, уч яшар Умидахон Набиеванинг Ватанни мадҳ этувчи лапари ҳамманинг ҳавасини келтирди.*

### АБДУЛЛА АКАНИНГ ПУЛЛАРИ КЎПАЙСИН...

*Чироқчи туманининг Кўкдала ҳудудида жойлашган Абдураҳмон Хўжаев номли мактаб ўқувчилари яқинда бўлиб ўтган умумий йиғилишлари якунида ҳаммалари баробарига «Абдулла аканинг пуллари кўпайсин» — дея юзларига фотиҳа тортдилар.*

*Саховатли фермер Абдулла ака жорий ўқув йилида ҳам мактабнинг аълочи ўқувчиларини рағбатлантириш учун ўн минг сўм пул ажратган эди. Ўша куни Абдулла ака Сулаймонов мактаб ўқувчиларининг умумий йиғилишида қатнашиб, ўқув йили якунидаги мактаб таъмири учун яна ўн минг сўм миқдорида маблағ-ёрдам қилишга сўз берди.*

### «ЙИЛ МАКТАБИ» МАРРАДА

*Чортоқ туманида ўтказилган навбатдаги «Йил мактаби» танловида мактабдаги ўқувчи- ёшларнинг олимпиадаларда, спорт мусобақалари ва турли танловлардаги фаол иштироки, битирувчиларнинг олий ва ўрта махсус билим юртларига бўлаётган шахсий муносабати, халқ хўжалик режаларининг бажарилиши, мактабларнинг педагог кадрлар билан таъминланиши ҳисобга олинди.*

*Танловда 6-ўрта мактаб жамоаси ғолиб деб топилди. Ғолиб мактаб директори Ҳакимжон Мамажонов йиғилганларга билим масканида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.*

### ЯНА БИР ФУТБОЛ БЎЛИМИ

*Қораўзак тумани халқ таълими бўлимига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ёшларнинг азалий орзусига айланган бўлим — футбол бўлими очилди. Бўлимни тажрибали тренер — ўқитувчи Р. Сеитов бошқармоқда.*

*Айни пайтда мазкур футбол бўлими ўзининг 4 та мактабдан танлаб олинган 61 нафар ҳақиқий аъзосига эга.*

### ҲОМИЙ ҲИММАТИ

*Нукусдаги «Каттагор» темир-бетон заводи директори, шаҳар кенгашининг депутати И. Қалмуротов болапарвар раҳбарлардан.*

*У шаҳардаги Терешкова номли мактабга ташриф буюриб, ўқувчилар ва ўқитувчилар жамоаси билан учрашди. Учрашувдан сўнг ўз ҳисобидан мактабдаги 6 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларига 5 минг сўмлик кийим-кечаклар ва дарслик сотиб олиб берди.*

**Байтингга бир бора қувушган ҳарлаб,**
**Такрорлаб кетгуси маҳшаргача то.**
**Қаратиб турибсан бу ён не ажаб,**
**Милярд мартабали жаҳонни ҳатто, —**

дейди ҳассос шоиримиз Абдулла Орипов. Дарҳақиқат, буюк бобомиз Алишер Навоийнинг шеърий хазинаси асрлар оша адабиёт кўкида айрича нур таратиб, жилваланиб турибди. Бу — улкан салоҳият ва тенгсиз тафаккур самараси. Биз шундай салоҳият ва тафаккурнинг исботи сифатида Навоий ҳаётидаги бир лавҳага эътиборингизни қаратмоқчимиз. Гап Ҳиротда вақтни ўлчайдиган асбоб-соатнинг яратилиши ва унда Навоийнинг роли ҳақида боради.

*Мозийдан садо*

## НАВОИЙНИНГ СОАТИ

Аввало, соат ҳақида. Соатда ўзгармас даврий жараёнлар — Ернинг айланиши (Қуёш соати), маятник ва электромагнитли соат), камертон (камертонли соат), кварц пластинкалари тебранишидан (кварц соати), атомларнинг бир энергетик ҳолатдан бошқа бир энергетик ҳолатга ўтишидан (квант соати) фойдаланилади.

Дастлаб, қуёш соати бўлган. Милоддан аввалги иккинчи минг йилликдан сув соати юзага келган. Механик соат ҳақидаги илк маълумотлар олтинчи аср охирига тўғри келади. Замонавий механик соатни 1657 йилда Ҳолланд физиги ва математиги Христиан Гюйгенц (1629-1695) яратган. Энди Ҳазрат Навоийга мурожаат қилайлик. Бобокалон шоиримизда шундай мисра бор:

**Йигирма тўрт соат кеча-кундуз.**

Яна мана бу фактга эътибор беринг. Астрободдан Ҳиротга қайтган шоир «илми жарри сақил» («Механика») дан маълумот соҳиби бўлган Мирак Наққошга соат ясашни ишониб топширган. Шоир соатнинг аҳамиятини, унинг инсонлар учун фойдалигини устага сўзлаган. Бирмунча вақт ўтгач, Мирак Наққош ясаган соат махсус жойга қўйилган. Соат — кўринишда катта қути бўлиб, унинг ичидаги шакл қўллаларидаги таёқчаси билан ноғорани уриб турган. Ўша пайтларда ўн икки ёшлар чамасидаги Ғиёсиддин Муҳаммад Хондамир соатни яхши эслайди. Кўриниб турибдики, Навоий даврида ҳам соат бор экан.

Ушбу далиллар Алишер Навоийнинг нафақат саноеъ нафиса (нафис санъатлар)ни, балки аниқ фанларни ҳам чуқур билганлигининг исботидир.

Меҳри ҲИКМАТУЛЛАЕВА,
Янгийўл туманидаги 53-ўрта мактаб ўқитувчиси.

*Хондамир*

## «ҲАБИБУС-СИЯР»

**Одиён ороли** — Бошқар дарёсида ва еттинчи иқлимида жойлашган. Ниҳоят аҳолиси кўп, обод ва маъмурдир. Узунлиги ва эни 160 фарсах келади. «Ажоибулбулдон»да келтирилишича, бу оролда ниҳоят катта дарахт бўлиб, қуёш ҳамал буржига етганда, ҳар ким дарахтга савол бериб сўраса, шунга яраша жавобини олган. Яна бу оролнинг ғарбий қисмида тўрт орол бўлиб, ҳар қайсисининг 50 фарсах узунлиги ва эни бўлган. Шундан икки оролда эркаклар, иккитасида аёллар яшаган. Уларнинг орасида 35 фарсахлик дарё бор. Эркаклар муайян вақтда кемага ўтириб, аёллар томон борганлар ва улар билан суҳбат қурганлар. Орадан вақт ўтиб, аёллар ўғил бола туғсалар, эркаклар оролига олиб бориб берганлар, қиз туғсалар ўз оролларида олиб қолганлар.

**Қомрун ороли** — Чин денгизида. У оролда Гарк деб аталадиган жонивор бор. Гаркнинг пешонасида узунлиги бир газ келадиган шохи бор. У шохни кесиб олсалар, кесилган жойида карнайга ўхшаш сурат вужудга келади.

**Каллаи сарира ороли** — Машриқ томонда устиво чизиғи шу орол орасида ўтади. Қалайи кони жуда кўп. У ерда говмушларни ютиб юборгувчи аждаҳолар бор.

**Ланкоёнус ороли** — у ерда яшовчи аҳолининг барчаси яланғочдир. Агар бирон мусофир уларнинг қўлига тушса, овлаб уни томошақилишга киришадилар.

**Ролийл ороли** — Хазар (Каспий) денгизидадир. Унда шундай дарахт борки, унинг томири заҳарли илон чаққанда даволик вазифасини ўтайди. Унда думсиз гомишлар бўлади. Бу ерда бўйи тўрт қарич келадиган одамлар бўлиб, уларнинг сочлари қизилдир. Бу одамлар доимо яланғоч юрадилар ва кийим киймайдилар ва уларнинг сўзларини тушуниб бўлмайди. Бу одамларнинг сочлари калта, асосан дарахт устида яшайдилар. Бу оролда махсус одамлар бор, улар сувга тушиб қайиқларда сайр этадилар, узоқ жойлардан қайиқ топиб келадилар.

**Ақориб ороли** — Хазар (Каспий) денгизни ҳудудидаги орол. Бу оролда катта чаёнлар кўп. «Жаҳоннома» муаллифининг ёзишича, аниқ кўрган кишининг айтишича, у чаёнларнинг катталиги туячалик келган.

**Сарандеб ороли** —жуда катта орол, унинг масоҳати етмиш фарсахга етмиш келади. Унда баланд тоғ бўлиб, Одам алайҳсалом ҳазратларининг оёқ излари мавжуд. Кемадаги одамлар жуда узоқ-узоқлардан у тоғни бир неча кунлик йўлдаги масофадан ҳам кўрадилар. У ерда шунчалик кўп ёмғир ёғадики, одамнинг оёқ изи ўша заҳотиёқ ювилиб кетади. Бу тоғда қизил, сариқ, кўк ёқутни топиш мумкин. Бу оролнинг айрим анҳорларидан олмос ҳам олишади. Ариқларидан эса биллур ҳам топилади. Одамга ўхшаш ҳайвонлар ҳам бор. Қадимда Сарандеб оролида жуда бой подшоҳ бўлиб, унинг учун кемалар билан Ироқдан шароб олиб келишган.

**Масло ороли** — бу оролда филфил (қора мурч донасига ўхшаш мева берувчи ўсимлик) жуда кўп. Айтишларича, филфилнинг поясида катта барг бўлиб, ёмғир ёғиши билан у барг филфил бошоқларини бекитади, гўё унинг доналарини намликдан асрайди, ёмғир тўхташи билан барг бошоқни яна очиқ қолдиради ва кичраяди.

**Зангбор ороли** — Занжи дарёси ҳавзасида. У оролда оқ танли ҳабаш (занжи)лар яшайдилар. Уларнинг қошкиприклари, бутун аъзолари ҳам оқ бўлиб, баданларидан ҳатто битта ҳам қора хол бўлмас.

**Маввол ороли** — Форс денгизида жойлашган. Гоҳ-гоҳида агар бу денгиз ошиб-тошса, қирғоққа катта балиқларни чиқариб ташлайди. Ўша йили орол аҳолиси жуда маишат билан кун ўтказишади. Чунки у балиқни олиб қайнатадилар ва унинг ёғини заҳирага олиб қоладилар. Бу балиқлардан шунчалик кўп ёғ олинадики, бутун орол аҳлининг кечалари таълим олиши учун чироққа мой, рўзғорда ишлатиш учун ҳам етарли бўлади. Олинган ёғ чўпдан ясалган идишларда сақланади.

**Қибрис (Кипр) ороли** —Африқия (Ўрта ер) денгизида жойлашган. Унинг радиуси 63 фарсахдир. У ерда одам шаклидаги ҳайвонлар мавжуд, бироқ унинг боши ва қулоғи бошқачароқ.

**Ёқут ороли** — қирқ фарсахга қирқ фарсах масофатга эга. У ерда бутхона бўлиб, жуда катта бут ўрнаштирилган. Айтишларича, ким агар мазкур бутхонага етса, унга ҳажжи акбар» қабул бўлар экан. «Убдаи асном» ақидасига кўра мазкур бут ҳар йили бир марта қонталаб бўлади. Ҳар йили шу муддат етганда, бир ғарибни топиб, қўл-оёғларини боғлаб бутхонага — бут олдида қолдирганлар. Эрталаб бутхона эшигини очганларида уни ўлик ҳолда кўрганлар. «Ажоибулбулдон» муаллифининг ёзишича, ҳижрий йил ҳисоби 700 га етганда, бир мусофир сайр этиш учун ўша оролга борган эди. Бутпарастлар ўзларининг мавжуд одатларига биноан уни ҳам қўл-оёғини боғлаб бутхонага ташлаганлар. У мусулмон калломуллони ёд билган қори бўлиб, бутун кечаси билан «Қуръон» тиловотига шуғл этган. Эрталаб кофирлар бутхона эшигини очиб қарасалар, мусофирни тирик ҳолда кўрадилар. Бутпарастлар жуда ҳайратга тушадилар ва худойимиз бу мусофирни ўлдирмабди, деб унинг бошларидан жуда кўп жавоҳирлар сочдилар. У мусулмон уларнинг орасида шу боис жуда обрўли кишига айланди, у юртда унинг айтгани-айтган, дегани-деган бўлди...

Охири. Боши газетамизнинг 3, 5, 8, 9, 11 ва 13-сонларида.

**Форс тилидан филология фанлари номзоди, доцент Ҳасан ҚУДРАТИЛЛАЕВ таржимаси.**

*Хуллас...*

### ҲАМИЯТИ ҚИММАТГА ТУШДИ

Уфа шаҳрида нотайин киши ўн бир ёшли мактаб ўқувчисига юз минг рубл бериб, эвазига бир кимсанинг бетига тупуришни илтимос қилди.

Кимса — уч йил Шимолда ишлаб келган, емай-ичмай пул йиғиб, машина олган киши экан.

Мана, яп-янги «Жигули» светофор қаршисида тўхтади. Четда пойлаб турган бола югуриб келди-да, аввал машина ойнасига, сўнг эса бақрайиб қолган ҳайдовчи юзига «боплаб» тупурди ва «урра» қочди. Ҳамияти оғринган машина эгаси туша солиб, уни қува кетди. Юз мертча югурмай, калитни «Жигули» да қолдиргани эсига тушди-ю, орқасига қаради. «Тойчоғи» бегона чавандоз»ни миндириб, елиб кетар эди.

### ЎҒЛИНИ ЙЎҚОТИБ, НАБИРАСИНИ ТОПДИ

Қозон шаҳри ички ишлар бошқармасига ўрта яшар, юзига (қариликнинг эмас) ичкиликнинг нуқси уриб қолган аёл мурожаат қилиб, трамвайда унутиб қолдирган... ўғлини топиб беришларин сўраб, тавалло қилди.

Ажабланарлиси шундаки, бу йўқотиш кеча ёки ўтган куни эмас, балки йигирма йил олдин содир бўлган. Она синглисининг «сен ўз болангни ўлдиргансан» деган таънасидан кейингина ўғлини эслаб қолди. Ва айбдор эмаслигини исботлаш учун қидирув эълон қилди. Қидирув ижобий тугади. Бола (йигит десак тўғрироғ бўлар) топилди. У яхши бир оилага ўғил қилиб олинган эди.

Яқинда она-бола учрашишди. Ўғил ўз ўғлини етаклаб паришонхотир она қошига пешвоз чиқди.

### ОЙИНГ ЎН ТЎРТИ ҚОРОНҒУ

Бир пайтлар, ер қолиб, осмонни ўзлаштириш авж олган «урҳо-ур» даврларда Америка фазогирлари Ойдан бир қоп тупроқ олиб келишган эди.

Яқинда унинг ичидан бўйи қарийб ярим метрлик металл ҳайкалча чиқди. Ҳайкалча аёл чеҳрали фаришта тимсолида. Сочлари кифтига ёйилган. Икки елкасидан қанотлар чиқиб турибди. Уларнинг учларида эса локатор антенналарига ўхшаш ўсимталар бор. Аниқланишича, ҳайкалча ясалган метал Ер юзида учрамайди. Кимёвий таҳлилнинг дарагига ишонсак, ушбу одамсифат сиймо бундан 200 минг йил олдин ясалган.

Американинг «Нью-Йорк таймс» газетаси мазкур хабарни берди ва қуйидаги хулосани илова қилди: биринчидан, қадим-қадимда Ойда ҳаёт ҳукм сурган, Иккинчидан, Ой аҳолиси ерликлардан анча олдин динга эътиқод қилишган.

### ЎТГАНЛАР РУҲИНИ БЕЗОВТА ҚИЛМАНГ

XX асрнинг энг буюк археологик кашфиёти 1974 йилда Хитойнинг Сиан шаҳри яқинида топилган мақбара, деб ҳисоблашмоқда, шу соҳа мутахассислари.

Гап шундаки, Хитой императори бўлмиш Цин Шиҳуан ва унинг бир неча фуқаро ҳамда аскарлари жуда яхши сақланган.

Яна айтишларича, қабрга майитлар билан биргаликда катта хазина ҳам кўмилган.

Ҳозирча қазиш ишларини жадал олиб боришнинг имкони бўлмаяпти. Чунки, мақбаранинг «нозик тузоқ»лари унга тушган одамни тирик чиқармаяпти. Бунинг сири ҳақида бош қотириш олимларга ҳавола. Лекин биз демоқчимизки, ҳар ҳолда ўтганлар руҳини безовта қилиш Яратганга ҳам ёқмайди.

*ана шунақа гаплар*

Анвар ОБИДЖОН

## АЛИШЕР ИЛА ҲУСАЙН

### ёки уч доно ва ўғри

**ҚАЛАНДАР:**
Бу кулфатга тайёр чорани
Ҳадислардан керак изламоқ.
Бош шарт — ҳар ким ўз нафсин
эмас,
Жамоанинг ризқин кўзламоқ.
Болаликда эргаш китобга,
Ёд ол, сўраб уқмоққа тириш.
Чиниқ, тоблан, фикрингни шоху
Танангни қул қилмоққа эриш.
Ўсмирликда кузат, ибрат ол,
Оқил, тошқўл устоз топ, чида.
Ҳунар орттир, кашфга интил,
Орзуйингдан яса маъбуда.
Ўрган ҳатто душман тилин ҳам,
Фарқлаб улгур не фойда-зиён.
Ҳар мушкулда ишон ўзингга,
Ҳар юмушда Оллоҳга таян.
Йигитликдан лаҳадга қадар
Лафзинг узра посбонликда тур.
Тижорат қил, дунёни тани,
Ариқ чиқар, йўл оч, шаҳар қур.
Зеҳн, идрок, ахлоқни пишит,
Ҳарб машқида унут санамни.
Эркакмисан, олим бўлсанг-да
Ханжар ўйнаб йўнгил қаламни.
Тобеъликда чиранма бевақт,
Чақнаса бас кўзларинг дардлик.
Алпомишдан ўзганингда ҳам
Баланд турсин шаҳдингдан мардлик.
Кечир жоҳил бўлса юртдошинг,
Қўлингни тий қонли ҳар баҳсдан.
Ўз миллатинг бошланишин бил
Ёнингдаги иккинчи шахсдан.
Қаноатда ўрнак бўл ўзинг,
Адолатни ўзингда ушла.
Фидоликни ўзингга буюр,
Жафоларни ўзингдан бошла:
Кучни эш қил ақлу меҳрингга,
Ожизни суй, зўрни сизлаб бук.
Болангга ҳам ўргат борингни...
Шунда ҳеч вақт енгилмайди турк.
**АЛИШЕР:**
Уринмаган бирон домламиз
Ҳадисларни бундай шарҳлашга.
**ҲУСАЙН:**
Ғўр эканмиз миллатдошликни
Диндошликдан узиб фарқлашда.
Бу дарсингиз чиқмас ҳеч ёддан...
**АЛИШЕР:**
Маъзур тутинг, қайдансиз, тақсир?
**ҚАЛАНДАР:**
Мен Қаландар Марғилонийман,
Онгли ғофил, қўш кўзли басир.
(Ҳазин жилмайиб)
Ўзи жулдур, сўзи шоҳона
Бу чол ким деб қотар бошингиз.
Булут нега булутлигини
Тушунгайсиз ўтиб ёшингиз.
**ҲУСАЙН:**
Ёшмиз, аммо гўдак эмасмиз,
Сездик — тарки дунё қилгансиз.
**ЎҒРИ:**
Кўнгилни бир очворинг, устоз,
Нималардан тўйиб-тўлгансиз?
**ҚАЛАНДАР:**
Нималардан дейсан-а, нодон,
Ҳали ҳеч ким бахтга тўймаган.
Сабрни ғам-андуҳ тўлдирар,
Бефарқликни иймон суймаган...
(Бироз жимиб қолади)
Эшонзода бўлганим боис
Сура ёдлаб қотди жиш этим.
Ном қозониб келгач Кўккентга[1],
Энг довруқли мударрис эдим.
Саройларда қилдим маъруза,
Ортаверди мурид, таъзимлар.
Бир мени деб тузиларди гоҳ
Байрамсимон тўкин базмлар.
Қайтаётиб бир куни айшдан,
Билмай туртиб, йиқдим гадони.
Умринг узоқ бўлсин, дедию
Жилмайди у, узилди жони.
Даъвогарин ризо қилай деб
Ҳамён ушлаб роса қидирдим.
Топилмагач бирон қондоши,
Ўзим йиғлаб, ўзим кўмдирдим.
Кўп ўйладим: нечук у жунун
Хушнуд дуо қилди қотилин?
Ахир гоҳи уламодан ҳам
Ёвлик кўрдим... оғритмай дилин.
Бу ўйлардан бошимда ногоҳ
Чақнади энг олий тушунча:
Қанча яқин борсам кибримга,
Ҳақдан узоқ кетибман шунча.
Ҳақдан узоқ — халқдан-да узоқ,
Хирс қўйибди «Мен»им ўзимга.
Кафш остида инграб ётганлар
Чалинмабди сархуш кўзимга.
Идрокласам, ўша жандалар
Пок руҳларнинг эҳроми экан.
Бири Халлож[2], бири Қул Аҳмад,
Ё Боязид Бистомий экан.
Шу бўлди-ю, жирканиш туйдим
Текин ошу заррин чопондан.
Бой-бойлар кўринди шайтон,
Ҳазар қилдим ҳаттоки хондан.
**ҲУСАЙН:**
Дерлар: шоҳга итоат жоиз,
У — худонинг ерда сояси.
**ҚАЛАНДАР:**
Қулдан кўра хўжага кўпроқ
Тааллуқли бу оят ғояси.
Энг аввало шоҳга юклар бу
Халққа меҳр, одиллик бурчин...
**АЛИШЕР:**
Бизда нуқул халққа айтурлар,
Кўпроқ эгиш, қўрқитиш учун.
**ҚАЛАНДАР:**
Мушоҳаданг ҳайратли, бўтам,
Тангрим толеъ, мартаба берсин.
(Болаларнинг елкасидан кучиб)
Бечора турк истак-ҳаваси
Ушалганин сенларда кўрсин.

———

1. Қўқон.
2. Мансур Халлож.

Боши газетамизнинг 10, 11, 12 ва 13-сонларида.

Давоми бор.



С. Раҳимов туманидаги мактабларни озиқ-овқат билан таъминловчи комбинат хусусийлаштирилди. Ҳозирда «Жанговар» номи билан фаолият кўрсатаётган ушбу комбинат ходимлари тумандаги 33-мактабнинг озиқ-овқат ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириб келмоқда. Шу кунларда комбинат ходимлари, туман ҳокимияти ва халқ таълими бўлими мактаб ўқувчиларини талон бўйича овқатлантиришни йўлга қўйди.

— Болалар кўчадан текширувдан ўтказилмаган ҳар хил егуликларни истеъмол қилишади. Эндиликда эса буни олди олинди, — дейди комбинат бошлиғи Раҳматилла ака Маҳмудов. — Ошпазларимиз 12 турдаги нонушта, 6 турдаги овқатлар тайёрлашмоқда.

Суратларда: 1. Қандолатчилик цехи бошлиғи Фахриддин Ҳакимов доимо маҳсулот сифати хусусида қайғуради.

2. Қандолатчи Қизлар Лола Ҳайдарова ва Ойгул Жўраевалар маҳсулот тайёрлаш жараёнида.

**Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.**



*Диққат, эълон*

## «ПЕДАГОГИК ТЕСТЛАРНИНГ ЭНГ ЯХШИ МУАЛЛИФИ» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, «Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» газеталари таҳририятлари педагогик тестлар банкини сифатли шакллантириш, юқори малакали тест тузувчиларни аниқлаш учун қуйидаги ўқув фанлари бўйича «Педагогик тестларнинг энг яхши муаллифи» республика танловини эълон қилади.*

*Танлов иштирокчилари кўрсатилган муддатда ҳар бир фан бўйича 50 тадан кам бўлмаган миқдорда тузилган тест топшириқлари қўлёзмасини ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИГА юборишлари лозим:*

- *она тили ва адабиёти (ўзбек, рус, қорақалпоқ тилларида);*
- *математика;*
- *физика;*
- *химия;*
- *биология;*
- *тарих;*
- *география;*
- *чет тили (инглиз, немис, француз тиллари).*

*Танловда амалда тест тузувчи ҳар бир киши иштирок этиши мумкин.*

*Ҳар бир тест топшириғи махсус тузилган топшириқ ва унинг бешта жавобидан иборат бўлади. Жавоблардан фақат биттасигина тўғри бўлиши ва тўғри жавоб биринчи қилиб ёзилиши зарур.*

*Танлов иштирокчиларининг қўлёзмалари муаллифларига қайтарилмайди.*

*Танлов иштирокчилари айрим қоғозда ўзи ҳақидаги маълумотлар: фамилияси, исми, отасининг исми; иш ёки ўқиш жойи ва эгаллаб турган лавозими; яшаш жойининг почта адресини ёзиши лозим.*

*Танлов ғолиблари билан Давлат тест маркази меҳнат шартномаси тузади; улар тузган тест топшириқлари тест топшириқлари банкига киритилади; педагогик тестларнинг энг яхши муаллифларини тақдирлаш учун ҳар бири 1500 сўм миқдорида 10 та пуллик мукофот жорий қилинади.*

*Танлов муддати 1996 йилнинг 21 февралидан 15 июнигача.*

*Бизнинг манзилимиз: 700100, ТОШКЕНТ Ш., БОБУР КЎЧАСИ 22-А УЙ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ.*

*Республика мактабгача тарбия ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи Республика курсида 1996 йил 1 — 30 март ойида навбатдаги курслар ўзбек ва рус тилларида ишлай бошлайди.*

Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади:

I. Мактабгача тарбия муассасаларининг мудиралари;

мактабгача тарбия муассасаларининг услубчилари.

1.III — 30.III. 1996 йил.

II. Мактабгача тарбия муассасаларининг мусиқа раҳбарлари.

1.III. — 23.III. 1996 йил.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар ҳамда йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади. Курс қошида боласи билан келадиган тингловчилар учун болалар хонаси ҳам мавжуд.

26 кунлик курсга келган тингловчилар санатория ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторийга 1 — 3 марттача қабул қилинадилар.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳар, С. Раҳимов тумани,

**Саидов кўчаси, 6-уй. Студентлар шаҳарчаси.**
**Телефонлар: 46-98-04. 46-90-94**

*Фанимиз фидойилари*

## ОЛИМНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ



Бундан роппа-роса ўн икки йил аввал, қаҳратон қиш кунларнинг бирида ёш олим Абдуқаҳҳорнинг не-не эзгу ният ва умидлар билан Тошкентда эккан илм дарахти олис шимол ўлкасидаги азим шаҳар Ленинградда гулга кирди. Шунда бу навқирон мутахассис Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг математика факультетини битиргач, меҳнат фаолиятини шу билим масканида яна давом эттириб, илмнинг этагидан тутиб хато қилмаганини чуқур ҳис этди. Ўшанда у А. Герцен номидаги Ленинград давлат педагогика институтити қошидаги махсус кенгаш йиғинида «Бўлажак математика ўқитувчисини ўрта мактабда амалий математика ва программалаштиришни ўқитишга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш» деган мавзу бўйича диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, педагогика фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. Шундан сўнг, яъни ёш олим Абдуқаҳҳор Абдуқодировнинг узоқ шимолда гулга кирган илм дарахти ўзимизнинг иссиқ юртда мўл-кўл ҳосил бера бошлади.

Абдуқаҳҳор ака шу кунгача 130 дан ортиқ илмий-методик қўлланмалар, дарсликлар, оммабоп китоблар ёзди. Дарвоқе, бу илмга ташна, тиниб-тинчимас инсон 1990 йилда «Физика-математика ўқитувчиларини тайёрлашни жадаллаштиришнинг назарияси ва амалиёти» мавзусида докторлик ишини ҳам ёқлади.

Профессор Абдуқаҳҳор Абдуқодиров ўзининг бутун илмий фаолиятини, асарларининг ғоясини бугунги куннинг энг долзарб муаммосига бағишлади, десак хато қилмаймиз. Зеро, устоз яратган информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари, сонли услублар, ўқитишнинг техник воситалари каби курсларга доир дарсликлар, ўқув қўлланмалари ҳозир республика олий ва ўрта махсус ўқув юртларида муваффақият билан қўлланилмоқда.

Биз профессор Абдуқаҳҳор Абдуқодировни эллик ёши билан чин кўнгилдан қутлаймиз, унга педагогик, ва илмий фаолиятида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

**Алишер НАЗАРОВ.**

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлими ҳамда туман касаба уюшмаси 24 - меҳрибонлик уйи раҳбари **Холида КАРИМОВАнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси Ҳунар таълими ходимлари малакасини ошириш республика институти ректори Рифқат Гайнутдиновга онаси **Сажида ГАЙНУТДИНОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ма'рифат
*ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:*
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Луқмон Бўриев.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-081. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Тиражи — 36 385.
1 2 3 4 5 6